



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING**

**BUYRUG'I**

2020 yil "10" "04

286 -son

Toshkent sh.

**Вазирликнинг 2020 йил 4 апрель  
кунидаги 247-сонли буйруғининг  
ижросини таъминлаш тўғрисида  
ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида коронавирус пандемияси бўйича эпидемик вазият ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишлаб 2020 йилнинг 25 март кунидаги 21-сонли қарори йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 4 апрель кунидаги 247-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Барча проректорлар, марказлар, бошқарма ва бўлимларнинг раҳбарлари, факультетларнинг деканлари ва кафедраларнинг мудирларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида коронавирус пандемияси бўйича эпидемик вазият ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишлаб 2020 йилнинг 25 март кунидаги 21-сонли қарори йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 4 апрель кунидаги 247-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

1.2. Барча йиғилишларни тўхтатилсин, ўта зарурат бўлган ҳолларда уларни масофадан ўтказиш учун зарур шароитлар яратилсин ва ушбу талабга риоя этмаган раҳбар ходимлар қатъий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

1.3. Бир ҳафта муддатда коронавирус инфекцияси бўйича эпидемик барқарорликка эришилгунга қадар, карантин даврида ходимларнинг камида 50 фоизини, шу жумладан ҳомиладор ва 3 ёшгача фарзанди бор бўлган аёлларни ҳақ тўланадиган таътилга чиқариш, қолганларини масофадан ишлашга ўтказиш, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказиш

имконияти бўлмаган ҳолатда уларга ўз аризаларига мувофиқ иш ҳақи сақланмаган ҳолда ўз ҳисобидан таътил бериш бўйича ташкилий чораларни амалга оширилсин.

1.4. Институтда меҳнат қилаётган 60 ёшдан ошган ва сурункали касалликлари бўлган ходимларни 100 фоиз меҳнат таътилига чиқарилиши таъминлансин.

1.5. Ходимнинг вақтинчалик уйда ишлашга ўтказиш учун кафедра мудирлари, деканлар ва бўлим бошлиқлари **ходимларнинг уйда бажарилиши лозим бўлган иш турларини асосли ва аниқ кўрсатиб** белгиласин.

1.6. Иш вақтини ҳисобга олишда, **табелларини тўғри тузилганлигига** ва ўз вақтида бухгалтерияга топширишда кафедра мудирлари, деканлар ва бўлим бошлиқларининг **маъсул** эканликлари белгилансин.

2. Ахборот технологиялари маркази бошлиғи А.С.Байдуллаевга:

2.1. Мазкур буйруқ институт расмий веб сайтининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар саҳифасига жойлаштирилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

*Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йилнинг 4 апрель кундаги 247-сонли буйруғи.*

**Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича  
проректор**



**З.А.Юлдашев**